

# Қирғизистон Жүқорғи Кенгеси Орто-токой сув омборидан биргаликда фойдаланиш масаласини кўриб чиқади

Қирғизистон Республикаси Жүқорғи Кенгесининг 13 декабрда бўлиб ўтадиган йиғилишида кун мавзуси сифатида «Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари ўртасида Жалолобод вилоятидаги жойлашган Орто-токой (Косонсой) сув омборидан давлатларо фойдаланиш тўғрисидаги битимни ратификация қилиш» масаласи кўриб чиқилади, деб [хабар берди](#)KNews.

Маълумотларга кўра, депутатларнинг ушбу масала юзасидан саволларига Қишлоқ хўжалиги, озиқовқат ва мелиорация вазири Нурбек Мурашев жавоб беради.

Эслатиб ўтамиз, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасида Орто-Токой сув омборидан фойдаланиш тўғрисидаги битим жорий йилнинг 6 октябрида, Қирғизистон собиқ президенти Алмазбек Атамбаевнинг Тошкентга уюштирган ташрифи вақтида [имзоланган эди](#). Ушбу ҳужжатга мувофиқ, сув омборини муҳофаза қилиш ва бошқариш ҳуқуқи Қирғизистон томонига тўлиқ ўтди. Ўзбекистон эса ўз зиммасига сув омборининг ишлашини таъминлаш мажбуриятини олган.

манба:daryo.uz